

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/20.08.2020.Qx.13.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРЕЖЕПОВА ГУЛБАХАР ТАЖЕТОВНА

**САБЗИНИНГ (DAUCUS CAROTA) СЕРҲОСИЛ НАВ,
ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА)**

06.01.06– Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Ережепова Гулбахар Тажетовна

Сабзининг (*Daucus carota*) серҳосил нав, дурагайларини танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси шароитида)..... 1

Ережепова Гулбахар Тажетовна

Подбор сортов, гибридов моркови (*Daucus carota*) и совершенствование технологии выращивания (В условиях Республики Каракалпакстан) 20

Ережепова Гулбахар Тажетовна

Selection of varieties, hybrids of carrots (*Daucus Carota*) and improvement of cultivation technology (in the conditions of the Republic of Karakalpakstan)..... 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/20.08.2020.Qx.13.03
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЕРЕЖЕПОВА ГУЛБАХАР ТАЖЕТОВНА

**САБЗИНИНГ (DAUCUS CAROTA) СЕРҲОСИЛ НАВ,
ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА)**

06.01.06– Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx566 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асатов Шухрат Исмамович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Низамов Рустам Ахролович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Раҳматов Анвар Маматович

к.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти.

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.08/20.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__»____, соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542121-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси.Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «__»____ кун тарқатилди.
(2020 йил «__»____ даги____ -рақамли реестр баённомаси).



X. Ch. Buriev
Х.Ч.Буриев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Z. A. Abdikayumov
З.А.Абдикаюмов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д, доцент.

I. T. Normuratov
И.Т.Нормуратов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда ФАО маълумотларига кўра, сабзи 10 та иқтисодий аҳамиятга эга бўлган сабзавот экин турларидан бири ҳисобланади¹. Дунё бўйича 2018 йилда сабзи 1,2 млн. га ерга экилган бўлиб, ундан 31,2 млн. тонна маҳсулот етиштирилган. Бу маҳсулотнинг 47 фоизини ёки 20,5 млн.тоннасини Хитой ишлаб чиқарган. Бу даврда дунёнинг бошқа давлатларида, яъни Россияда 1,8; АҚШ да –1,4; Польшада–0,8; Украинада– 0,9; Буюк Британияда – 0,8 млн.тонна сабзи етиштирилган. Қитъалар бўйича олинганда,Осиё сабзи етиштириш бўйича дунё маҳсулотини 61 фоизини, Европа – 24,2 , Америка 9,7 ва Африка – 4 фоизини ишлаб чиқарган. Бугунги кунда ер юзидида содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари натижасида кўпгина ҳудудларда шўрланган майдонлар ортиб бормоқда.

Дунё бўйича ҳозирда 950 млн.га шўрланган майдонлар бўлиб, улар Европада–50,8;Шимолий Америкада–17,7; Жанубий Америкада–129,1; Африкада–80,5; Жанубий-Ғарбий Осиёда–84,9; Шимолий ва Марказий Осиёда–211,4; Жанубий– Шарқий Осиёда–21,5; Австралия ва Океанияда – 357,5 млн.гектарни ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизда суғориладиган майдонларни 46,7 фоизи шўрланган майдонлар бўлиб, улар Қорақалпоғистонда–91,4 фоизни, Фарғонада–61,2, Жиззах–76,4, Хоразм–68,8, Бухорода–85,9, Сирдарёда–79,3 фоиз майдони ташкил этади. Бу ҳолат қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигига жиддий зарар етказмоқда. Сабзи муҳим озиқ–овқат маҳсулоти бўлганлиги сабабли Республикаимизда уни экин майдонлари ва етиштириш йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўтган 2019 йилда мамлакатимизда сабзи 13,8 минг.га майдонда экилиб, 2,3 млн.тонна маҳсулот етиштирилган. Республиканинг барча вилоятларида сабзи экин майдонларини кенгайтириш режалаштирилган бўлиб, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида экин майдонини–1643 га етказиш кўзда тутилган. Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларини асосий қисмини мева-сабзавот маҳсулотлари ташкил этиб, уларнинг ҳосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни қишлоқ хўжалигига кенг жорий этишни тақозо этади. Экин етиштириш билан шуғулланаётган хўжаликларда тупроқ шўрланишига чидамли бўлган серҳосил навлар, турли экиш муддатлари учун яроқли булган сабзини серҳосил навлари ҳамда самарали етиштириш технологияси бўйича маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун олинаётган ҳосил талаб даражасида бўлмаяпти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот экинларини экиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало

¹<http://fao.ru>

сув ва ер ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи ҳалокатини қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолини ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш, муҳим стратегик вазифалар деб белгиланган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, 2020 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришни прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1025-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Дехқон хўжаликлари ва аҳоли таморқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш тўғрисида” ги 53-сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси устувор йўналишлари» доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узоқ хорижий мамлакатларда сабзи асосий озиқа маҳсулоти бўлганлиги сабабли унинг етиштириш технологияси бўйича кўпгина олимлар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Швеция қишлоқ хўжалик фанлари университетиде Т.Nilson, Буюк Британияда, S.Millingon, Бельгияда J.Rouchaud, С.Moons ва бошқа олимлар томонидан сабзини етиштириш технологиясини тамойиллари яратилган. Америка Қўшма Штатларининг қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот лабораториясининг профессори У.М.Сайнджу ва унинг илмий ҳодимлари томонида экинларни мульчалаш бўйича тадқиқот олиб борилган. Яқин хорижда сабзи етиштириш технологияси бўйича Д.С.Акимов, В.В. Борадичев, Н.А.Галлаев, Н.В. Колесников, А.М. Меньших, Е.А.Скороходов, О.П.Шашлов, Л.В.Губиналар ҳамда шўрланган тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича В.А Ковда, А.А Егоров, В. П. Строгонов ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда сабзи етиштириш технологияси бўйича Х.М.Мирпаязов, Ж.П.Пирназаров ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлса, сабзини серҳосил навларини яратиш устида Э.А.Алиев томонидан кўп йиллик самарали тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, унинг натижасида сабзини Нурли –70, Зийнатли навлари Давлат Реестрига киритилган. Ушбу илмий

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

тадқиқот институтининг Термиз филиалида ҳам сабзани янги навларини яратиш ва етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича салмоқли илмий ишлар бажарилган. Республикада шўрланган ерларда сабзавот экинларини етиштириш билан В.И.Зуев, Н.С.Бақурас, С.М.Ибрагимов, Р.С.Ақобиров, Г.Н.Нуров, Н.К.Касимовалар бир қатор тажрибалар олиб борганлар. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ–иқлим шароитида сабзани серхосил навларини танлаш, қулай экиш муддатларини ва самарали етиштириш усулларини аниқлаш бўйича фундаментал ёки амалий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотларига сабзи навларини тупроқ шўрланишига бўлган муносабатини ўрганиш, энг қулай экиш муддатларини аниқлаш ҳамда етиштиришни самарали усулларини оширишга хизмат қилувчи қатор муамолар масалалар киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Сабзани тупроқ шўрланишига бўлган муносабатини, унинг шўрга чидамлик даражасини аниқлаш, маҳаллий шароитларга мослашган шўрга нисбатан чидамли истиқболли нав, дурагайларни танлаш, қулай экиш муддатлари ва самарали етиштириш усулларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат: Тупроқ шўрланишини майсаларни униб чиқиши, кўчат қалинликлари, барг сони ва барг юзаларига илдизмевани ўртача вазни ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ўсимликларни турли ривожланиш фазаларида содир бўладиган фаол ҳароратлар миқдорини аниқлаш;

маҳаллий ҳамда ҳорижий сабзи нав ва дурагайларини шўрланган тупроқлар шароитида ўсиш ҳамда ривожланиш босқичларини ўтишни ўрганиш;

сабзи экинининг турли мульчалаш усулларида етиштиришда майсаларни униб чиқишига, барглар сонига ҳамда ҳосилдорликга таъсирини белгилаш;

сабзани турли экиш муддатлари, етиштириш усулларида парваришлашни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Сабзининг 4 та маҳаллий навлари: Нурли – 70, Мирзойи қизил, Мирзойи сариқ, Зийнатли ҳамда 4 та ҳорижий нав ва дурагайлари: Шантане королевская, Карсон, Нанда, Нансен.

Тадқиқотнинг предмети. Сабзани 1, 10, 20, 30 июль экиш муддатлари, 6 та мульчалаш усуллари (оддий усул (мульчаланмаган), шоли қипиғи билан мульчалаш, чиринди билан мульчалаш, чиринди– глауконитни (1:1) нисбатдаги аралашмаси билан мульчалаш, чиринди–глауконитни (1:0,5) нисбатдаги аралашмаси билан мульчалаш, чиринди–глауконитни (1:0,3) нисбатдаги аралашмаси билан мульчалаш), уруғлар, илдизмевалар.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар лаборатория ва дала тажрибалари ўтказиш орқали олиб борилиб, уларда фенологик кузатувлар биометрик ўлчовлар, ҳосил сифати ва миқдорини аниқлаш бўйича ўлчовлар ўтказилди. Тадқиқотлар олиб боришда «Методика опытного дела в овощеводстве и

бахчеводстве», ОСТ4671-78, Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси», (2002) «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур: вып. IV Картофель, овощные и бахчевые культуры», В.Ф.Беликнинг «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), Ж.С.Саттаровнинг «Практикум по агрохимии», «Методика агрохимических анализов» номли усулларидан фойдаланилган. Маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг (1985) дисперсион услуб асосида амалга оширилган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги. илк бор Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида сабзи ўсимлигини тупроқ шўрланишига бўлган муносабати аниқланган;

сабзини такрорий муддатларда етиштиришда фаол ҳароратлар миқдори аниқланган;

сабзини шўрга чидамлилиқ даражаси ва уни оширишнинг самарали усуллари аниқланган;

сабзини Осиё туркумидаги навлари Ўрта ер денгизи туркумидаги навларига қараганда тупроқ шўрланишига нисбатан чидамлилиги исботланган;

сабзини такрорий экишда энг қулай экиш муддат июл ойининг биринчи ўн кунлиги эканлиги ва бундан кечки экиш муддатларида унинг маҳсулдорлиги сезиларли даражада камайиши илмий асосланган;

экинларни мульчалаш тупроқда намликни сақлаб, зарарли тузларни тупроқнинг юқори қатламларига кўтарилишини (миграциясини) камайтирувчи самарали усул эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқларда сабздан ижобий ҳосил етиштириш мумкинлиги исботланди;

шўрланган ерларда такрорий экинда сабзини энг қулай экиш муддати июль ойининг 1 ўн кунлиги эканлиги, энг сўнги ҳосил етиштириш имконини берувчи экиш муддати эса – июлнинг 2 ўн кунлиги эканлиги исботланди;

сабзи уруғларини униб чиқиши даврида экинларни мульчалаш самарали тадбир эканлиги белгиланди;

кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда сабзини маҳаллий Осиё туркумидаги Нурли–70, Зийнатли навлари уруғларини унувчанлиги, ҳосилдорлиги, маҳсулот сифати ва етиштириш самарадорлиги бўйича Ўрта ер денгизи туркумидаги Шантане королевская навидан ва Карсон дурагайлардан устунлиги исботланди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тошкент Давлат аграр университетининг Нукус филиали Мевачилик, сабзавотчилик ва полизчилик кафедрасида дала тажрибаларининг бирламчи ҳужжатлари ва илмий ҳисоботи ҳар йили мунтазам муҳокама этилганлиги, тадқиқот натижалари статистик таҳлили ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, натижалар USAID ташкилотининг “Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш лойиҳаси” доирасида, “Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш

агротехникасида инновацион технологияларни жорий этиш”, ”Ўзбекистонда тўқсонбости сабзаёт экинларини етиштириш агротехникаси” мавзуларида ўтказилган халқаро илмий–амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, тайёрланган мақолалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАК рўйхатига киритилган журналларда чоп этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда сабзи ўсимлигининг тупроқ шўрланишга нисбатан чидамлик даражаси аниқланганлиги, тупроқ шўрланишига Осиё туркумидаги навлари орасидан нисбатан чидамли бўлган навлари танланганлиги, экинларни мульчалош муҳим ва самарали тадбир эканлигини белгиланганлиги билан изоҳланади. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ ва иқлим шароитида сабзини такрорий экин сифатида етиштиришда унинг энг қулай экиш муддати июл ойининг 1 ўн кунлиги ва экиш муддатларини кечиктирилиши маҳсулот етиштириш самарадорлигини кескин камайтиришини белгиланганлиги, сабзининг ўсиш ва ривожланиш давларидаги фаол ҳароратлар йиғиндиси аниқланганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.

Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлари шароитида такрорий экинда сабзининг тупроқ шўрланишига нисбатан чидамли навларини танлаш, энг қулай экиш муддатлари ҳамда сабзи етиштиришнинг самарали усулларини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида;

фермер ва томорқа ер эгалари учун “Такрорий экинда сабзи етиштириш технологияси” номли тавсиянома тайёрланган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 01/026-1300 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома шўрланган ерларда сабзидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда;

сабзини кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда етиштиришга мос навларни танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш ишланмаси Қорақалпоғистон Республикасини Нукус туманида 0,55 га, Чимбой туманида 0,60 га, Қонликўл туманида 0,60 га, Беруний туманида 0,70 га ва Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 0,50 га, жами 2,72 га майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 01/026-1300 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида анъанавий навларга нисбатан Нурли-70, Зийнатли, Мирзои сариқ навларидан 14% га ортиқ ҳосил олишга эришилган. Иқтисодий самародарлик 197 фоизни ташкил этган.

сабзининг Мирзои сариқ навини июлнинг биринчи ўн кунлигида экиш ишланмаси Қорақалпоғистон Республикасини Нукус туманида 0,55 га, Чимбой туманида 0,50 га, Қонликўл туманида 0,70 га, Беруний туманида 0,60 га ва Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 0,50 га, жами 2,72 га майдонда жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 01/026-1300 сонли маълумотномаси).

Бунинг натижасида кешки экиш муддатларига караганда кўпроқ, яъни 31,2 т/гача ҳосил олинган. Иқтисодий самародарлик 207 фоизни ташкил этган.

сабзи экинларини турли материаллар билан мульчалош ишланмаси Қорақолпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги Қ.Авезов номли фермер хўжалигида 0,50 га майдонда жорий этилган (Қорақолпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 01/026-1300 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида чиринди - глауконитнинг 1:1 нисбатдаги аралашмаси билан мульчалош энг самарали бўлган ва бу усул оддий усулга караганда ҳар бир гектар майдонда 8,4 т/га кўшимча ҳосил олиш имконини берган. Иқтисодий самародорлик 136,4 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг ривожланиши устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми, таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Сабзини озикалик, дориворлик хусусиятлари, навлари, экиш муддатлари ва етиштириш усулларига оид илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича узоқ ва яқин хорижий давлатларда ва Республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Жумладан, сабзи ўсимлигининг келиб чиқиш макони, тарқалиш тарихи, экиннинг ташқи муҳит омилларига муносабати, хўжалик аҳамияти, шифобахшлик хусусиятлари, серҳосил навлари ҳамда энг қулай экиш муддатлари, ўсимликнинг тупроқ шўрланишига муносабати ёритилган, шунингдек дунёда сабзининг экин майдонлари ва олинаётган маҳсулот

миқдори келтирилган. Турли минтақалари шароитида сабзини самарали етиштириш усуллари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган. Мавжуд маълумотларга таянган ҳолда, диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, услуби ва объекти”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ – иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Тажрибалар ўтказилган жойнинг тупроқлари ҳайдалма қатлами ва ҳайдалма қатлам ости (0–30см) горизонтлари (31–50см) бўйича тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинган. Ҳайдалма қатламнинг (0–30см) чуқурликдаги тупроқларда гумус миқдори 0,76 %, пастки (30–52см) қатламда эса 0,69 % ни ташкил этди. Ялпи азот мос равишда 0,088–0,072% ни, ялпи фосфор 0,263–0,172 %, ялпи калий эса 0,575–0,420% бўлди. Алмашинувчан калий 211–186 мг/кг ни ташкил этди. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот ўтказиш услублари”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Такрорий муддатларда етиштириш учун сабзини нав ва дурагайлари танилаш”** деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида Қорақалпоғистон Республикасининг кам ва ўртача шўрланган тупроқларида биринчи маротаба Осиё ва Ўрта ер денгизи туркумидаги сабзи нав, дурагайлари тупроқ шўрланишига муносабати ўрганилиб, бу шароитларни сабзи нав, дурагайлари ўсиши ва ривожланишига таъсири бўйича натижалар келтирилган. Тадқиқотлар Осиё туркумидаги маҳаллий навларда 4та: “Нурли–70”, “Мирзои қизил”, “Мирзои сариқ”, “Зийнатли” навлари, ва Ўрта ер денгизи туркумининг 3 та: “Шантане королевская”, “Карсон”, “Нанда” нав ва дурагайларида олиб борилди. Стандарт сифатида Республикамизда ўтган асрнинг 50 йилларидан буён етиштирилиб келинаётган “Мирзои сариқ” нави танлаб олинди. Синалган сабзи навлари уруғларини дала унувчанлиги “Нурли–70” ва “Мирзои сариқ” навларида юқори, “Карсон”, “Нанда”, “Нансен” дурагайларида жуда паст бўлганлигини кўрсатди. Сабзининг “Нурли–70”, “Мирзои сариқ” ва бошқалар нав синовида қатнашган Осиё туркумидаги навлари юқори дала унувчанлигига эга бўлганлиги натижасида ягоналашдан олдинги юқори бўлган кўчат қалинликларини таъминладилар.


Илдизмеваларнинг техник етилиш даврида энг юқори барг юзасининг сатҳига “Зийнатли” ва “Нурли–70” навлари (23,0–25,5 минг. м²/га) эришдилар ва уларнинг тўплаган барг юзаларининг сатҳи стандартга нисбатан 2,9–5,4 минг. м²/га ёки 114–126 фоизга ортиқ бўлди. Осиё туркумидаги сабзи навлари Ўрта ер денгизи туркумидаги навларга нисбатан тупроқ шўрланишига нисбатан чидамли ҳисобланиб, уруғларни унувчанлиги юқорилиги ва кўчат хатоликларини камлиги ҳисобига, вазни жиҳатдан йирик илдизмевалар шакллантиради ва бунинг натижасида ҳосилдорлик ортади.

Кучсиз ва ўртача шўрланган ерларда етиштирилган сабзи навлари орасида энг юқори ҳосилдорликни Нурли–70 нави 31,9 т/га, ва энг кам ҳосилдорликни эса етиштириш шароитлари мослашмаган, келиб чиқиши Ўрта ер денгизи мамлакатларидан бўлган илдизмеваси қизил тусли, Нант типдаги Нант дурагайи 19,2 т/га тўплади (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

Сабзи навлари илдизмевасининг ўртача вазни ва ҳосилдорлиги, т/га, (2017–2019йй.)

Нав, дурагайлар	Илдизмеванинг ўртача вазни		Ҳосилдорлик т/га			
	гр	Стандартга нисбатан, %	2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўртача
Нурли-70.UZ	118,5	106,3	31,5	30,6	33,8	31,9
Мирзои сариқSt.UZ	111,4	100	28,2	27,5	29,5	28,4
Мирзои қизил.UZ	92,6	83,7	26,5	27,5	25,5	26,5
Зийнатли UZ	113,0	101,4	30,5	32,0	29,5	30,6
Шантанэ каролев.RU	86,5	77,6	27,5	25,5	26,6	25,5
Карсон F ₁ . HL	5,8	68,0	22,8	21,0	19,5	21,2
Нанда F ₁ . FR	76,4	68,5	20,4	17,5	19,8	19,2
Нансен F ₁ . FR	81,7	73,3	21,5	18,7	18,5	19,5
ЭКТ ₀₅			2,42	2,32	1,76	
S _x , %			4,46	3,44	3,82	



1-расм. Сабзи навларини ўртача ҳосилдорлиги. (2017-2019 йй.)

Такрорий экинда сабзининг “Нурли–70”, “Мирзои сариқ”, “Зийнатли” навлари, Ўрта ерденгизи туркумидаги “Шантане королевская”, “Карсон” навларидан серҳосиллиги билан устун туради. Илдизмеваси қизил тусдаги “Зийнатли”, Ўрта ерденгизи туркумидаги дурагайларидан “Шантане королевская”, “Карсон” дурагайларини етиштириш самарали ҳисобланади.

Диссертациянинг «Такрорий муддатларда сабзини экиш муддатларини белгилаш» деб номланган тўртинчи бобида сабзини “Мирзои

сарик” навининг уруғлари 4 та экиш муддатларида: 1 июль, 10 июль, 20 июль, 30 июльда уруғлари сепилиб уларни ўсиш ва ривожланиш босқичларини ўтиши ўрганилган. Сабзининг дастлабки икки экиш муддатида майсаларни “униб чиқишидан–техник етилгунча” 112–115 кун ёки 2295–2336 °С фаол ҳароратлар содир бўлиб, кейинги яъни кечки экиш муддатида (20 VII) фаол ҳароратлар 1973 °С ни ташкил этди. Турлича ҳарорат ва шўрланиш даражасида ўсган ўсимликлар турли ўлчамдаги ер устки қисмларига эга бўлди. Сабзининг турли экиш муддатларида тўплаган барглар сони уларни ўсиш ва ривожланиш даврларининг охирида экиш муддатларида турличабарглар сонига эга бўлганликларини кўрсатди. Энг йирик барглар сони 10-20 июлда экиш муддатларида (11–13 дона) бўлганлиги кузатилди. Уларнинг бу кўрсаткичи биринчи экиш муддатига нисбатан 1,5–2,5 юқори бўлди. Сабзининг энг сўнгги экиш муддатида ўстирилган экинларда назорат вариантдан 5,0 тага кам барг тўпланди. Шаклланган баргларнинг узунлиги ҳам 10-20 июл экиш муддатларида бошқа муддатларга қараганда йирик бўлганлиги ўтказилган кузатувларда аниқланди. Улар биринчи экиш муддатига нисбатан 6–10 фоизга йирик ўлчамдаги барг юзаларини шакллантирдилар (2-жадвал)

2-жадвал

Сабзини экиш муддатларининг ўсув давридаги барг юзалари сатҳининг шаклланишига таъсири минг м²/га, ўртача 2017–2019 йй.

Уруғ сепиш муддатлари	Ўсиш босқичлари			
	2 та барг	5 та барг	7 та барг	Техник етилиш даври
1 июл н	3,7	11,8	15,3	24,2
10 июл	3,9	12,5	17,5	27,5
20 июл	3,8	9,5	15,2	23,5
30 июл	3,7	7,4	10,3	-

Синалган экиш муддатларида ўсимликларни 2 та чин барг тўплашида уларнинг барг юзаларининг сатҳи ўртача 3,7–3,9 минг. м²/га ни ташкил этди. Дастлабки ўсув даврида баргларнинг узунлиги бўйича 1–10 июлда экилган ўсимликларда йирик бўлиши аниқланди. Илдизмеваларнинг техник етилиш даврида энг юқори барг сатҳига–10 июлда сепилган ўсимликлар эга бўлдилар (27, 5 минг. м²/га). Уларнинг тўплаган барг юзаларининг сатҳи назоратга нисбатан –3,3 минг. м²/га ёки 113 фоизга ортиқ бўлди. Сабзининг энг кечки экиш муддати ҳисобланган 20 июл муддатида тўплаган барг юзаларининг сатҳи биринчи экиш муддатига нисбатан –0,8 ва иккинчи экиш муддатига нисбатан эса–4 минг. м²/га кам бўлиши аниқланди.

Энг йирик илдизмевалар биринчи ва иккинчи экиш муддатларида (118–121 гр) шаклланган бўлса, 20 июлдаги муддатда олдингиларидан бироз (112 гр) вазни енгил бўлганлиги ҳосил миқдорини аниқлаш бўйича ўтказилган кузатувларда аниқланди. Дастлабки 3 та экиш муддатларида ўстирилган


Ўсимликлар нисбатан йирик барг сатҳига эга бўлди, натижада улар вазни, ўлчами жиҳатдан йирик бўлган илдизмевалар тўплади.

Кулай экиш муддатларини аниқлаш бўйича тажрибалар олиб борилган 2017–2019 йиллар мобайнида, энг юқори умумий ҳосил 10 июл экиш муддатида 33,3 т/га олинди. Бу кўрсаткич биринчи экиш муддатида нисбатан 4,8 тоннага ёки 16,8 фоизга ортиқ бўлди (3-жадвал, 2-расм)

3-жадвал

Сабзини экиш муддатларининг илдизмевани вазни ва ҳосилдорлигига таъсири, т/га (2017–2019йй).

Уруғ сепиш муддатлари	Илдизмеванинг ўртача вазни		Ҳосилдорлик т/га				
	гр	назоратга нисбатан, %	2017	2018	2019	Ўртача	назоратга нисбатан, %
1 июл(н)	118	100	26	28	31,5	28,5	-
10 июл	121	105	31	33	35,9	33,3	16,8
20июл	112	97,3	24,1	25,2	28,7	26,5	-7,0
30 июл	-	-	6,0	-	-	-	-
ЭКТ ₀₅			2,42	2,32	1,76		
S _x , %			4,46	3,44	3,82		



2-расм. Сабзини экиш муддатларининг илдизмевани вазнига таъсири, (2017–2019йй)

Илдизмевалар таркибидаги нитратлар миқдори эрта етилган Нурли –70 навида нозоратга нисбатан 1,2 фоизга ва бошка нав ва дурагайларга нисбатан 0,7-0,8 фоизга юқори бўлиши аниқланди. Бироқ Нурли–70 навининг нитратлар тўплаши бўйича миқдори рухсат этилиши мумкин бўлган миқдордан (250 мг/кг) қарийб 2 баробарга кам бўлди.

Диссертациянинг “Сабзи етиштиришнинг самарали усулларини белгилаш” деб номланган бешинчи бобида сабзини етиштиришда мульчалаш усулини қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаганлигини ҳисобга олиб, биз сабзи экинини 6 та мульчалаш усулида ўстириб кўрдик. Булар: оддий усул (мульчаланмаган), шоли қипиғи билан мульчалаш, чиринди билан мульчалаш, чиринди–глауконитни (1:1) нисбатдаги аралашмаси билан мульчалаш, чиринди–глауконитни (1:0,5) нисбатдаги

аралашмаси билан мульчалаш, чиринди–глауконитни (1:0,3) нисбатдаги аралашмаси билан мульчалаш. Барча мульчалаш усулларида лентасимон усулда сабзи 70 см эгатларга сепилди.

Тупроқнинг уруғ сепилладиган юза қатламидаги сувда эрувчан тузлар ва унинг намлигини аниқлаш, мульчалаш қўлланилган усулларда тупроқдан намликнинг парланиши камайиши эвазига, оддий усулга нисбатан тузларни миқдори кам тўпланганини кўрсатди. Бу айниқса, мульчалаш қўлланилган усуллардан чиринди–1:1 нисбатда ҳамда чиринди– глауконит 1:0,5 нисбатда қўлланилганда анча сезиларли даражада бўлганлиги аниқланган бўлса, мульчалашни бошқа усулларда жумладан: чиринди, шоли қипиғида ҳам назоратдан анча юқори бўлганлигини кўрсатди. (4-жадвал).

4-жадвал

Сабзи майсалари ҳосил бўлиш даврида уруғ жойлашган қатламдаги сувда эрувчан тузлар миқдори

Етиштириш усуллари	Экиш	олдидан	Майсалаш даврида	
	хлор	қуруқ қолдик	хлор	қуруқ қолдик
Оддий усул (назорат)	0,025	0,306	0,111	1,633
Шоли қипиғи билан мульчалаш	0,035	0,317	0,082	1,264
Чиринди билан мульчалаш	0,037	0,327	0,074	1,120
Чиринди-глауконитни (1:1) нисбатда мульчалаш	0,032	0,309	0,065	1,117
Чиринди-глауконитни (1:0,5) нисбатда мульчалаш	0,033	0,313	0,077	1,218
Чиринди-глауконитни (1:0,3) нисбатда мульчалаш	0,038	0,335	0,081	1,232

Тупроқ юзасини мульчалаш усулининг афзаллиги натижасида назорат усулига нисбатан уруғларнинг далада унувчанлиги сезиларли даражада юқори бўлди. Ушбу икки усул ўртасидаги сезиларли даражадаги фарқ майсаларни охириги яғоналашдан бошлаб ўсув даври сўнгигача сақланиб турди.

Мульчалаш усули ҳисобига уруғларни униб чиқиши даврида бир мунча қулай бўлган намлик ва нисбатан кам шўрланиш даражаларини содир бўлиши ҳисобига мульчаланган усулларни барчасида оддий усулга нисбатан сабзи уруғларини униб чиқиши 1–2 кунга тезлашиб, унувчанлик 1,3–1,5 марта кўпайган.

Бу айниқса тупроқ юзасини чиринди–глауконитни (1:1) нисбатидаги аралашмаси билан мульчаланганда, мульчалашни бошқа усулларида ҳамда назорат усулига қараганда анча фарқ қилганини ўтказилган кузатувларда аниқланди. Дала унувчанлиги мулчаланган майдонларда оддий усулга қараганда 4,8–7,95 фоизга юқори бўлиши олиб борилган ҳисоблашларда аниқланди. Мульчалаш усулининг самараси туфайли юқори кўчат қалинликларига эришилди. Кўчат қалинлиги оддий ўстириш усулида 31,4 донани ташкил этган бўлса, мульчаланган майдонларнинг 1м² да 59,3 донани ёки юқоридаги усулга нисбатан 88 фоизга ортганлиги белгиланди.

Тупроқнинг юза қисмидаги бирмунча қулай бўлган шароитлар ўсимликларда шаклланган барглар сони ва уларнинг ўлчамларини ошишига имконият яратди. Чиринди–глауконитни (1:1) нисбатдаги аралашмаси билан экинларни мульчалашда ўсимликларда 11,5 дона барг ҳосил бўлиб, бу оддий яъни мульчасиз етиштириш усулига қараганда 2,8 донга ёки 32,1 фоизга кўп демакдир. Тупроқнинг юза қатлами мульчаланганусулларда кўчатлар соникўплиги ҳамда вазни жиҳатдан йирик илдизмеваларни шаклланганлиги мульчасиз ўстирилган майдонлардаги ўсимликларга нисбатан 14,9 граммга ёки 18,1–20,5 фоизга юқори бўлди. Турли етиштириш усулларидаги кўчат қалинлиги ва ўсимликларнинг турлича бўлган маҳсулдорлиги натижасида шартли майдон бирлигидан олинган ҳосилдорлик ҳам турлича бўлди. Йирик илдизмеваларни шаклланиши мульчалаш қўлланилган вариантларда кузатилди ва бунинг натижасида шартли майдон ҳисобига олинадиган ҳосилдорлик оддий усулга нисбатан юқори бўлди. Фақатгина, мульчалаш усулини қўллаш ҳисобига олинган кўшимча ҳосил шоли қипиғи билан мульчалашда –1,5 т/га ёки 6,1 фоизга; чиринди билан мульчалашда –3,3т/га ёки 13,6фоизга; чиринди – глауконит (1:0,3) – 1,0 т/га ёки 4,1фоизга; чиринди –глауконит (1:0,5) мульчалашда–2,1т/га ёки 8,6 фоизга; чиринди глауконит (1:1) мульчалашда–5,4 т /га ёки 22,3 фоизга юқори бўлди. Деярли ҳар бир мульчалаш усулидан олинган ҳосилдорлик оддий усулда парваришланган майдонлардан олинган ҳосилдорликдан устун бўлди (5-жадвал)

5-жадвал

Турли етиштириш усуллари сабзининг ўртача ҳосилдорлигига таъсири. (2017–2019й)

Етиштириш усуллари	Ҳосилдорлик, т/га				Мульчалашни қўллашдан олинган кўшимча ҳосил	
	2017	2018	2019	ўртача	т/га	назоратга нисбатан, %
Оддий усул мульчасиз	23,2	23,6	5,8	24,2	-	
Шоли қипиғи билан мульчалаш	24,9	25,4	6,8	25,7	1,5	6,1
Чиринди билан мульчалаш	27,2	27,9	7,4	27,5	3,3	13,6
Чиринди-глауконит (1:1) мульчалаш	29,9	29,4	9,5	29,6	5,4	22,3
Чиринди глауконит (1:0,5) мульчалаш	25,9	26,6	6,4	26,3	2,1	8,6
Чиринди глауконит (1:0,3) мульчалаш	25,4	24,8	5,6	25,2	1,0	4,1
ЭКТ ₀₅	0,50	0,19	0,30			
S _x ,%	1,21	0,81	1,10			

Илдизмеваларнинг биокимевий таркибини аниқлаш бўйича ўтказилган таҳлиллар, мульчаланган майдонларда шаклланган илдизмевалар таркибида оддий усулга (мульчасиз) нисбатан қуруқ моддалар миқдори кам эканлигини кўрсатди. Бу ҳолатни мульчаланган майдонларда ўстирилган ўсимликларда ҳосил бўлган илдизмеваларнинг йирик бўлганлиги ҳамда ўсимликларни

тупроқ аралашмаси концентрацияси кам бўлган муҳитда ўсганлигида содир бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Экинларни мульчасиз етиштирилган майдонлардан олинган соф фойда миқдори экинларни чиринди–глауконит аралашмасининг 1:1 нисбатида мульчаланган майдонлардагидан – 146,8 фоиз кам бўлганлигини кўрсатди.

Маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражаси мульчаланмаган майдонларда–121фоизни ташкил этган бўлса, мульчаланган майдонларда унинг энг юқори даражаси 136,4фоиз бўлди.

Янги мульчалаш (чиринди–глауконит 1:1 нисбатда мульчаланган) усулини жорий қилишдан олинган соф даромад оддий усулга нисбатан– 4358 минг.сўмга кўпбўлди.

ХУЛОСАЛАР

1.Тупроқнинг шўрланиш даражасини ортиши уруғларни униб чиқишини кечиктиради, уларнинг унувчанлигини пасайтиради, кўчат хатоликларини оширади, баргларни шаклланиши ва уларни қулай ҳолатда ўсишига тўсқинлик қилади, шаклланадиган илдизмеваларнинг ўлчами ҳамда уларнинг вазнини камайтиради. Бунинг натижасида шартли майдон ҳисобига олинадиган ҳосилдорликни камайишига олиб келади.

2. Осиё туркумидаги сабзи навлари ўрта ер денгизи туркумидаги навларга нисбатан тупроқ шўрланишига нисбатан чидамли ҳисобланиб, уруғларни унувчанлиги юқорилиги ва кўчат хатоликларини камлиги ҳисобига,вазни жиҳатдан йирик илдизмевалар шаклантиради ва бунинг натижасида ҳосилдорлик ортади.

3.Такрорий экинда сабзининг Нурли–70, Мирзойи сарик, Зийнатли навларини, ўрта ер денгизи туркумидаги Шантане королевская,Карсон навларидан серҳосиллиги билан устун туради.Илдизмеваси қизил тусдаги Зийнатли,ўрта ер денгизи туркумидаги дурагайларида Шантане королевская, Карсон дурагайлари етиштириш самарали ҳисобланади.

4.Сабзининг дастлабки икки экиш (1–10июл) муддатларида майсаларни “униб чиқишидан-техник етилгунча” 112–115 кун ёки 2295-2336⁰ С фаол ҳароратлар талаб этилди.

5.Энг кўп барглар сони ва уларни ўлчами бўйича 10-20 июл экиш муддатлари (11–13дона) бошқа экиш муддатларига нисбатан устун бўлди.

6.Илдизмеваларнинг техник етилиш даврида энг юқори барг сатҳига 10 июлда сепилган ўсимликлар эга бўлиб (27,5 минг. м²/га), уларнинг тўпланган барг юзаларининг сатҳи назоратга нисбатан 3,3 минг. м²/га ёки 113 %га ортик бўлди.

7.Синалган барча экиш муддатларида илдизмева таркибидаги тўпланган куруқ моддалар7,6 –10,7% миқдориди бўлиб, бунда энг юқори тўпланган куруқ модда миқдори дастлабки иккита экиш муддатларида (1–10 июл) кузатилади.Улардаги куруқ моддалар миқдорини ортиши, биринчи навбатда бу экиш муддатларида бошқаларига қараганда қуёш радиацияси даражасининг юқорилиги билан изоҳланади.

8. Илдизмевалардаги зарарли модда, яъни нитратлар миқдори энг кечки экиш 20-30 июль муддатларида юқори - 139,5–167,3 мг% бўлганлигини кўрсатди, бироқ уларнинг миқдори ҳам рухсат этилган миқдордан анча паст бўлди.

9. Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ иклим шароитида сабзини такрорий муддатларда етиштиришда энг қулай экиш муддати 1–10 июль ҳисобланади ва бу экиш муддатларини кечиктирилиши илдизмеваларни тўлиқ шаклланмай қолишига олиб келади.

10. Такрорий муддатларда синаб кўрилган сабзини экиш муддатлари орасида 10 июль муддатини жорий этилиши ҳар бир га майдондан 3474 мингсўм фойда беради ва аксинча 20 июлда экиш эса соф фойда бермайди.

11. Сабзини такрорий экиш муддатларида ўстиришда экинларни чиринди-глауконит аралашмасини 1:1 нисбатидаги аралашмаси билан мульчалош оддий мульчасиз усулга нисбатан ҳар бир гектар майдондан - 8,4 т/га қўшимча ҳосил беради.

12. Қорақалпоғистон Республикасининг кам ва ўртача шўрланган тупроқларида сабзини такрорий экин сифатида етиштириш учун қуйидагилар тавсия этилади:

сабзи етиштириш учун илдиз тизими жойлашадиган қатламда хлор миқдори 0,015-0,017 % дан юқори бўлмаган майдонларни танлаш:

ўсимликларни шўрга чидамлилигини ошириш мақсадида маҳаллий шароитларда олинган уруғларни экиш, экиш олдидан уруғларга ишлов бериш, сабзини Нурли–70, Зийнатли, Мирзойи сариқ навларидан фойдаланиш:

илдиз жойлашган қатламда тузларни кўтарилишини (миграциясини) камайтириш, уруғларни унувчанлигини ошириш учун ҳамда тупроқдаги намликни сақлаш мақсадида экинларни етиштиришда мульчалош усулидан фойдаланиш ва бу тадбирни уруғ сепилгандан сўнг зудлик билан ўтказиш:

сабзини такрорий экин сифатида етиштирилганда унинг уруғларини июль ойининг I ўн кунлигида сепиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.08/20.08.20.Qx.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

ЕРЕЖЕПОВА ГУЛБАХАР ТАЖЕТОВНА

**ПОДБОР СОРТОВ, ГИБРИДОВ МОРКОВИ (DAUCUS CAROTA) И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
(В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН)**

06.01.06 –Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) сельскохозяйственных наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.PhD/Qx566.

Диссертация выполнена в Нукусском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Асатов Шухрат Исмамович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Низамов Рустам Ахрорович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Рахматов Анвар Маматович
д.ф.с/х.н, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Научно-исследовательском институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «___» сентября 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.08/20.08.2020.Qx.13.03 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул Университетская, дом-2. Тел. : (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1- этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирован за номером 542121). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер ___ «___» _____, 2020 г.).



Х.Ч.Буриев,
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

З.А.Адикаюмов,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, ф.д.с/х.н, доцент

И.Т.Нормуратов,
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время морковь входит в десятку экономически важных овощных культур³. В 2018 году в мире было произведено 31,2 млн. тонн моркови на площади в 1,2 млн. га. Из них 47% или 20,5 млн. т. были произведены в Китае. За этот период в других странах мира было выращено: в России – 1,8 млн.т., США – 1,4; Польше – 0,8; Украине – 0,9; Великобритании – 0,8 млн. тонн моркови. Из континентов на долю Азии приходится 61%, на Европу – 24,2%, на Соединенные Штаты Америки – 9,7%, на Африку – 4% мирового производства моркови. Сегодня в результате изменения климата во всем мире увеличиваются площади засоленных земель.

В настоящее время в мире насчитывается более 950 млн. га засоленных земель, из них в Европе – 50,8 млн. га, Северной Америке – 17,7; Южной Америке – 129,1; Африке – 80,5; Юго-Западной Азии – 84,9; Северной и Центральной Азии – 211,4; в Австралии и Океании – 357,5 млн. га.

